Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 17 август, № 162 (6856) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ПРЕЗИДЕНТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ БЎЙИЧА МАЖЛИС ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 август куни умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги очилган олий таълим муассасалари, филиаллар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар ҳолати билан яқиндан танишиш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазири И. Мажидов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори М. Холмуҳамедов, халқ таълими вазири У. Иноятов ва уларнинг ўринбосарларини қабул қилди ва ҳисоботларини тинглади.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Юнусходжаев, Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров ва Ҳисоб палатаси раиси М. Икромов қатнашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида берилган топшириқлар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Белгиланган вазифага мувофиқ, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини ўз хоҳишига кўра 10-синфда ўқишини давом эттириши, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олиш ишлари изчил давом этмоқда.

Ўқув режасига кўра, 10-синф ўқувчилари ҳафтада 5 кун умумтаълим фанларини ва 1 кун касбга доир фанларни ўрганиши белгиланди. Касб-ҳунар коллежларидан узоқ масофада жойлашган 2703 та мактаб учун 1103 та мактабда, 6956 мактаб учун эса 615 та коллежда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилади.

Мактабларда 10-синф очилиши муносабати билан 22 минг ўқитувчига эҳтиёж юзага келади. Шуларнинг 9,5 минг нафари олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобидан, 13 минг нафари лицей ва коллежлар ўқитувчиларини жалб этиш ҳисобидан қопланиши режалаштирилаяпти.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб 10-синфларда дарс берадиган 116 минг нафар ўқитувчининг касбга оид билимларини янгилаш ва чуқурлаштириш мақсадида қисқа муддатли малака ошириш курслари йўлга қўйилди.

10-синф ўқувчилари учун 8,5 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, айни пайтда таълим муассасаларига етказилмоқда.

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича вертикал тизим яратилиб, вазирликдан ҳудудларга 14 нафар, ҳудудий халқ таълими бошқармаларидан туман ва шаҳарларга 195 нафар, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларидан ҳар бир мактабга масъуллар бириктирилди.

Бу йил 1-синфга қабул қилинадиган 650 минг нафар ўқувчи учун "Президент совғаси" сифатида 12 номдаги ўқув қуроллари солинган мактаб сумкалари тайёрланиб, жойларга тўлиқ етказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни танлаб олиш ва уларни олий таълим муассасаларига мақсадли тайёрлашни ташкил этиш учун ҳар бир олий таълим муассасаси ҳузурида биттадан академик лицей очиш ва фаолиятини йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари тармоқ вазирликлари ва давлат қўмиталарига бириктириб берилди.

10-11-синфлар жорий этилиб, коллежларда контингент қисқариши муносабати билан мавжуд моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш мақсадида 7 та коллеж ва академик лицей негизида янги 3 та олий таълим муассасаси филиаллари ва 1 та олий таълим муассасаси ташкил этилмоқда.

Мулоқот чоғида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини ортиқча ҳисоботлар, турли бюрократик топшириқлардан озод этиш, уларнинг илмий салоҳиятини таълим мазмуни ва сифатини янада яхшилаш, илмий тадқиқот ишларига йўналтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, энг илғор хорижий тажрибани ўрганиш, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласига тўхталиб ўтди. Болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим ва тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириб бориш, шу орқали уларни она-Ватанга муҳаббат, покиза орзулар руҳида камол топтириш бугунги кундаги энг муҳим, энг долзарб масалалардан бири эканини таъкидлади. Зеро, фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, қандай юксак мақсадлар билан камол топиши кўп жиҳатдан уларнинг мактабгача таълим муассасасида оладиган тарбиясига боғлиқдир.

Мажлисда давлатимиз раҳбари томонидан мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, бошқарув тузилмасини ташкил этиш, мазкур муассасаларга болаларни 100 фоиз қамраб олишга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш, бошланғич таълим муассасаларига қатор имтиёзлар бериш, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги малака ошириш институтларида таълим мазмунини сифат жиҳатидан тубдан ўзгартириш, уларни энг илғор олий таълим муассасалари таркибига ўтказиш орқали умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларига энг билимли ва тажрибали профессор-ўқитувчилар таълим беришига эришиш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига 25 августга қадар барча таълим муассасаларини янги ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига сифатли тайёрлаш ҳамда Инвестиция дастурига киритилган таълим объектларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини якунлаш, кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларига кўрсатма ва топшириқлар берилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ХОРИЖГА ЧИҚИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида замонавий инновация технологиялари қўлланилган ҳолда тайёрланган биометрик паспорт тизимини жорий қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мазкур тизим Ўзбекистон Республикаси фуқароларини шундай ҳужжатларни тайёрлаш бўйича Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) тавсиялари ва бошқа халқаро стандартларга мос келадиган биометрик ҳужжат билан таъминлаш имконини берди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси ИКАОнинг тегишли ахборот ресурсига қўшилди ва бу мамлакатимизнинг ваколатли органларига давлат чегарасидан ўтиш пунктларида хорижий давлатларнинг биометрик ҳужжатлари ҳақиқийлигини автоматик тарзда текшириш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспорт тизими мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлиги ва тезкорлигини ошириб, давлат чегарасидан ўтишда фуқаролар шахсини идентификация қилиш тартиб-таомилларини соддалаштирди, "Электрон ҳукумат" тизими фаолияти доирасида интерфаол давлат хизматларини кўрсатишга хизмат қиладиган жисмоний шахсларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантиришни таъминлади.

Шу билан бирга, айни пайтда фуқароларимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо айрим мамлакатлардан ташқари, дунёнинг барча давлатларига чиқиши учун биометрик паспорт билан биргаликда рухсат ёзуви қайд этилган икки йиллик стикерни расмийлаштириши зарур. Ушбу стикер Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг эркин ҳаракат қилишига халақит бераётган муайян омил ҳисобланади.

Бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш шундан далолат берадики, бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатларида ички ва ташқи фойдаланиш учун мўлжалланган икки турдаги ҳужжат қўлланилмоқда. Бунда хорижга чиқиш учун асосан электрон ахборот манбаига эга китобча шаклидаги паспортдан фойдаланилмоқда ва рухсат берувчи бошқа миллий ҳужжатлар расмийлаштирилмайди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, хорижга чиқиш тартибини янада такомиллаштириш, аҳолига қулай шароитлар яратиш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда бюрократик тўсиқлар ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш, ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддатини узайтириш, фуқароларнинг давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида паспорт назоратидан ўтиш тартиб-таомилларини тубдан соддалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналларини тайёрлаш маркази, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун рухсат ёзуви стикерини расмийлаштириш тартиби бекор қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки,

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалда қўлланилаётган 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти унинг эгасининг шахси ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2021 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатлар ҳудудига Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалда қўлланилаётган 2011 йилги намунадаги биометрик паспортидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиқиши мумкин;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2018-2019 ЙИЛЛАРДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг рақобатбардошлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш мақсадида:

1. 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур қарорда кўзда тутилган ва Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига киритилган тадбирларни амалга оширишни молиялаштиришнинг манбалари этиб тадбиркорлик субъектлари — лойиҳа ташаббускорлари, вазирлик ва идоралар — ижрочиларнинг ўз маблағлари, жалб этилаётган тижорат банкларининг кредитлари, чет эл инвестициялари, халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг заём ва грантлари, хайрия маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгиласин.

2. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиласин:

Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов), вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш, шунингдек, барча тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, республикада туризм соҳаси ривожига тўсқинлик қилаётган масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилиш;

туризмни ривожлантириш бўйича тасдиқланадиган ҳудудий дастурлар ижросини, ҳудудларда мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш ва жойлардаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф қилишга қаратилган ишлар самарадорлигини ўрганишни ташкил этиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа ташаббускорлардан тушадиган тематик кўнгилочар боғлар, маданият объектлари (миллий музейлар, галереялар), туристик-рекреацион ҳудудлар ва кластерлар ташкил этиш, сайёҳлик намойишининг алоҳида объектларини қуриш ва имижга доир бошқа лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чет эл ва мамлакатимиз сармоядорларининг маблағлари, тижорат банклари кредитлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари маблағларини жалб қилиш ҳисобига туризм соҳасида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва соҳа билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш учун давлат кўмагини олишга доир таклиф ва буюртмаларни ҳар йили кўриб чиқиш.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ўзининг бой бадиий мероси билан жаҳон санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган қадимий цивилизация ўчоғи сифатида миллий бадиий анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаб келаётгани дунёнинг етакчи санъат мутахассислари томонидан эътироф этилган.

Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий санъатига кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташланаётганини ижобий баҳолаш лозим.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳамда моддий-техника базасининг мукаммал эмаслиги, малакали кадрлар етишмаслиги бу борадаги ишларнинг самарасига салбий таъсир этмоқда.

Ўзбек тасвирий ва амалий санъати ҳамда дизайн йўналишларини янада ривожлантириш, халқимизнинг ушбу нафис санъатларга бўлган эстетик эҳтиёжини қондириш, кенг йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, уларга шарт-шароит яратиш, бадиий салоҳиятини ошириш, замон талабларига мос бадиий таълим тизимини кенг йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон Бадиий академиясининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий аппаратининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 21 кишидан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмасининг тузилмаси 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Бадиий академияси раисига, зарур ҳолларда, марказий аппарат ҳамда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Бу галги ҳашар аввалгиларидан фарқ қилади

Энг улуғ ва энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 26 йиллиги муносабати билан шу йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 19-20 август — умумхалқ хайрия ҳашари кунлари, деб эълон қилинди.

ҚАДРИЯТ

Табиийки, озодлик неъматини тухфа этган, ўзлигимизни теран англашимиз учун шароит яратиб берган Истиқлол том маънода улкан байрам ва катта тўй. Ана шундай улуғ айёмни янги марралар билан обод ва ораста манзилларда кутиб олсак, нур устига нур. Шундан келиб чиқиб, айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудида "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАР СОНИ КЎПАЯДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 27-28 январь кунлари Хоразмга ташриф буюрганида, мутасаддиларга вилоятда илғор технологияларга асосланган саноатни ҳар томонлама ривожлантириш ва шу орқали экспорт ҳажмини бир неча маротаба ошириш борасида аниқ кўрсатма ҳамда тавсиялар берганди. Ана шу устувор вазифалардан келиб чиқиб, ҳудудда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш, замонавий саноат қувватларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

ЖАРАЁН

Пировардида бундай янгиланишлар воҳада рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир. Ички ва ташқи бозор учун ишлаб чиқарилаётган товарлар ҳамда хизматлар тури ва ҳажми муттасил ортиб бормоқда.

Келинг, шу ўринда аниқ мисолларга мурожаат этсак. Жорий йилнинг ўзида вилоятда саноат соҳасида 473 та лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш ҳамда 191 миллиард сўмликдан ортиқ инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилаяпти.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ХОРИЖГА ЧИҚИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатлар ҳудудига Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалда қўлланилаётган 2011 йилги намунадаги биометрик паспортидан фойдаланган ҳолда, ундаги рухсат ёзуви стикерининг амал қилиш муддати тугагунга қадар Ўзбекистон Республикасидан чиқиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатларда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатларда бўлиш ва ушбу давлатлар ўртасида ҳаракатланишда паспортнинг амал қилиш муддати тугагунича ҳақиқий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатларда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган бошқа давлатларда бўлиш ва ҳаракатланиш учун паспортнинг амал қилиш муддати тугагунича ҳақиқий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатларда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ундаги рухсат ёзуви стикерининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатларга кириш учун ҳақиқий ҳисобланмайди. Фуқароларнинг қайд этилган ушбу тоифаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатларга кириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштиришни сўраб, ўрнатилган тартибда мурожаат қилиши керак;

фуқароларни қабул қилиш, маълумотлар тўплаш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини олиш бўйича электрон аризасини расмийлаштириш ва кейинчалик персоналлаштирилган ҳужжатни бериш ишларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини персоналлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) 2017 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти Давлат стандартини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ташқи ишлар, Мудофаа, Халқ таълими вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда 2018 йилнинг 1 январига қадар мазкур Фармон талабларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида янги таҳрирдаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (С. Худойқулов) Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг буюртмалари бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти буклетини тасдиқланган Давлат стандартига мувофиқ ўз вақтида тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (Н. Тўрахўжаев) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Ташқи ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда:

амалдаги биометрик паспорт тизими базасида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини муомалага киритишга қаратилган ташкилий-техник тадбирлар комплекси ўз вақтида ўтказилишини таъминласин;

2018 йилнинг 1 декабригача замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини ишлаб чиқишни ва жорий этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Хўжаев) ва Иқтисодиёт вазирлиги (Г. Саидова) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва бошқа алоқадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2017 йилнинг 1 октябрига қадар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий қилишга қаратилган ишларни молиялаштириш манбалари тўғрисидаги масалани ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Б. Алихонов) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз аҳолиси ўртасида ушбу Фармон қоидаларини кенг ёритиш бўйича мақолалар эълон қилиниши ва мавзуга оид кўрсатувлар эфирга узатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов) муомалага киритилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспортининг амал қилиш муддати ҳақида Халқаро фуқаро авиацияси, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларини ўрнатилган тартибда хабардор қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси (Р. Эминжонов) 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мазкур Фармон талабларига мувофиқ хорижга чиқишини ўрнатилган тартибда назорат қилишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов) Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва тегишли халқаро шартномаларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 16 АВГУСТДАГИ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ХОРИЖГА ЧИҚИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 16 августда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонни имзолади. Ушбу ҳужжатда 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун рухсат ёзуви стикерини бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини жорий этиш кўзда тутилган.

Мазкур меъёрий ҳужжатни қабул қилишдан мақсад аҳоли учун қулай шароит яратиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини соддалаштириш, ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддатини узайтириш, уни тайёрлаш муддатини қисқартириш, фуқароларнинг давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида паспорт назоратидан ўтишини имкон қадар соддалаштириш, шунингдек, чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда бюрократик тўсиқлар ва коррупция ҳолатлари учун қўшимча шароитлар яратаётган омилларни бартараф этишдан иборат.

Фармон лойиҳасини тайёрлаш давомида мутахассисларимиз хорижга чиқиш учун паспортлардан фойдаланиш бўйича халқаро тажрибани ўрганди. Ўрганиш натижалари шундан далолат берадики, жаҳоннинг деярли барча давлатларида ички ва ташқи фойдаланиш учун мўлжалланган икки турдаги ҳужжатдан фойдаланилмоқда. Чет элга чиқишда китоб буклети кўринишидаги паспорт унга рухсат берадиган ҳеч қандай қўшимча ёзувлар киритилмасдан, мажбурий тартибда қўлланилмоқда.

Фармонда дастлабки босқичда, яъни 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси билан виза режими ўрнатилган давлатларга чиқишни режалаштираётган мамлакатимиз фуқароларига хорижга чиқиш учун биометрик паспорт берилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2021 йилнинг 1 январигача визасиз режим ўрнатилган мамлакатларга (Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Украина ва Грузия) 2011 йилги намунадаги амалдаги биометрик паспорт билан чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижда бўлиб турган фуқаролари 2011 йилги намунадаги биометрик паспортдан унинг амал қилиш муддати тугагунига қадар фойдаланиши мумкин. Яна шуни таъкидлаш керакки, хорижга чиқиш учун биометрик паспорт амалиётга киритилгунича фуқаролар виза режими ўрнатилган давлатларга 2011 йилги намунадаги биометрик паспортда амалдаги рухсат ёзуви стикери мавжуд бўлганда шу паспорт билан чиқиши мумкин.

Ушбу Фармонга мувофиқ:

Фуқароларни қабул қилиш ва хорижга чиқиш учун паспорт олиш ҳужжатларини расмийлаштириш ишларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, мамлакатимиздан ташқарида эса Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги муассасалари амалга оширади;

ҳужжатларни персоналлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, бланкаларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси зиммасига юкланмоқда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2018 йилнинг 1 декабригача замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали ва аҳолига максимал интерфаол хизматлар кўрсатган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этишга қаратилган ташкилий-техник ишларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Паспорт бериш ва хорижга чиқишни тартибга соладиган зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2017 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг янги дизайндаги 48 саҳифали хорижга чиқиш учун биометрик паспортининг Давлат стандартини тасдиқлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу Фармон талаблари ижросини таъминлаш учун Давлат персоналлаштириш маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида янги таҳрирдаги низом лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда тақдим этади.

Низомда қуйидагилар кўзда тутилади:

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти унинг эгаси шахси ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ва ундан республика ҳудудида умумфуқаролик ҳужжати сифатида фойдаланилади;

— замонавий ахборот технологиялари жорий этилиши инобатга олиниб, хорижга чиқиш учун биометрик паспортни расмийлаштириш ва бериш муддати 15 иш кунидан 10 иш кунигача қисқартирилади;

— халқаро тажрибага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортининг амал қилиш муддати вояга етмаган шахслар учун 5 йилгача, 16 ёшдан катта шахслар учун 10 йилни ташкил қилади;

— аҳолига электрон ариза тақдим этиш, электрон навбат, давлат божини электрон тўлов тизими орқали тўлаш каби интерфаол хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш, шунингдек, ҳужжатнинг тайёрлигини текшириш бўйича махсус хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳужжатни бериш тартиби белгиланади;

— Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш шаҳар ва туман бўлинмаларининг вазифалари кенгайтирилади ва шу муносабат билан фуқаролар хорижга чиқиш учун паспорт олиш бўйича аризани Ички ишлар вазирлигининг доимий яшаш жойидаги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш шаҳар/туман бўлинмаларига тақдим этиши мумкин. Айни пайтда ушбу вазифалар Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш вилоят бошқармалари зиммасига юклатилган;

— ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида "Электрон ҳукумат" тизими имкониятлари орқали керакли барча маълумотномаларни олишни ўзида мужассам этган "ягона ойна" тизимидан фойдаланилади;

— жорий этилаётган паспортнинг таннархи ва биометрик паспорт тизимига техник хизмат кўрсатиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, аҳолига ушбу ҳужжатларни бериш бўйича давлат божининг тегишли миқдори белгиланади.

Қабул қилинган ушбу Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиши учун муомалага киритилаётган биометрик паспорти ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспортининг амал қилиш муддати ҳақида Халқаро фуқаро авиацияси, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва хорижий давлатлар ҳукуматларини ўрнатилган тартибда хабардор қилиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2018-2019 ЙИЛЛАРДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Мувофиқлаштирувчи кенгаш (Арипов) бир ой муддатда қуйидагиларни:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишининг регламенти ҳамда туризм соҳасининг турли йўналишлари бўйича муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлашни таъминлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги эксперт гуруҳлари таркибларини;

Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича "йўл хариталари"ни тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида туризмни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашларни ташкил этсин;

вазирлик ва идоралар — масъул ижрочилар билан биргаликда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини таъминласин, ҳар чоракда Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурининг ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига ахборот тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг (Абдуҳакимов) 2018-2019 йилларда чет давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича халқаро шартномалар ишлаб чиқиш ва уларни имзолашга тайёрлашни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи 3-иловага мувофиқ маъқулласин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Комилов) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига (Абдуҳакимов) хорижий ҳамкорлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича халқаро шартномаларни тайёрлаш ва уларни имзолашни ташкил этишда амалий кўмак берсин.

6. Хорижлик туристлар, жумладан, зиёрат қилиш мақсадида келаётган туристлар учун виза ва рўйхатдан ўтиш тартиботларини босқичма-босқич соддалаштиришга доир таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) 4-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи гуруҳ:

бир ой муддатда чуқур ўрганиш асосида фуқароларига 2018 йилнинг 1 январидан виза тартибини соддалаштириш таклиф этилаётган мамлакатлар ҳамда фуқароларига махсус зиёрат туризми дастурлари таклиф этиладиган давлатлар рўйхати бўйича таклифлар киритсин;

чет давлатлар фуқаролари учун виза тартибини соддалаштириш бўйича таклифларни ушбу давлатлар билан икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш даражасидан, жаҳон туризм бозорининг конъюнктураси ҳамда халқаро ва минтақавий хавфсизлик соҳасидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда киритиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов) "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК (Тян) билан биргаликда Малайзия, Индонезия ва бошқа мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасидаги муқаддас қадамжоларга зиёрат туризми йўналишидаги сайёҳларни жалб қилиш бўйича ишларни фаоллаштирсин, бу борада керакли реклама тадбирларини ўтказсин, логистика, жумладан, чартер рейсларни ташкил этиш масалаларини ҳал этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, (Абдуҳакимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) ва қатор тижорат банкларининг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги туризм ҳудудлари тажрибаси асосида Урганч, Тошкент шаҳарлари ва Фарғона вилоятида туризм ҳудудлари, шунингдек, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида тоғ кластерларини босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулласин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Ўзбекистон Бадиий академиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, шахсий ва ижодий кўргазмалар учун кенг имкониятлар яратиб бериш ҳамда ижодкорларнинг бадиий салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

жаҳондаги етакчи бадиий академиялар, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари, ташкилотлар, атоқли маданият ва санъат арбоблари билан илғор тажрибалар алмашиш мақсадида ҳар томонлама ижодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

ижодкорлар ва истеъдодли ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

халқимизнинг бой маданий меросини, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн анъаналарини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмасининг (кейинги ўринларда — Бадиий ижодкорлар уюшмаси деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириш;

тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишидаги ижодкорларнинг миллий ўзлигимизни англаш ғояларини тараннум этувчи юксак даражадаги ёрқин санъат асарларини яратишдаги фаолиятини рағбатлантириш ва болалар санъатини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидаги таълим муассасаларининг фаолиятида бадиий таълим узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлашга эришиш мақсадида ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ва ўрта махсус таълим муассасалари учун бошланғич бадиий таълимни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тараққиёти йўлида тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидаги таълим муассасаларининг фаолиятини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш;

тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон Бадиий академияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини кучайтириш, бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий, таъсирчан усул ва шаклларини тизимли асосда ривожлантириб бориш;

Ўзбекистонда ва хорижда кенг кўламдаги кўргазмалар ташкил этиш орқали миллий санъатимиз ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, конференция, биенналелар ва бошқа анжуманлар ўтказиш.

3. Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Фанлар академиясининг мамлакатимиз музейлари фондларини мустақиллик йилларида яратилган юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб бориш ва асарлар баҳосини уларнинг ижодий ва моддий қийматидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошида Бадиий экспертлар кенгашини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига мустақиллик йилларида яратилган, юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм ва "Ўзвиносаноатхолдинг" холдинг компаниясининг ташаббуси билан хайрия асосида 1 миллиард сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги таклиф маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Бадиий академиясининг раиси мақоми, моддий, маиший, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича — вазирга, унинг ўринбосари ва бош илмий котиб — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2018-2019 ЙИЛЛАРДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда 2018 — 2022 йилларда туризм ҳудудлари ва тоғ кластерларини ташкил этишнинг ташкилий-техник масалаларини кўзда тутадиган ҳукумат қарорини қабул қилсин, унда лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш ва кредитлаш учун масъул тижорат банкларини белгилашни назарда тутсин, шунингдек, чет эл сармоядорларини ўз вақтида жалб қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкалари ажратилиши, қурилиш ишларининг бошланиши ва сифатли якунига етказилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (Аҳмедхўжаев) билан биргаликда ташкил этилаётган туризм ҳудудлари ва тоғ туризми кластерларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, шунингдек, янги меҳмонхоналар қуриш учун республикага етакчи меҳмонхона брендларини таклиф қилиш ёки мамлакатимиздаги меҳмонхона хўжаликларини улар бошқарувига бериш бўйича чоралар кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига:

тадбиркорлик субъектларига янги меҳмонхоналар ва бошқа туризм инфратузилма иншоотлари қуриш, мавжудларини модернизация қилиш учун узоқ муддатли (15 йилгача) кредитлар ажратишни амалиётга жорий қилиш, бунда кредит ва фоизларни қоплашнинг меҳмонхоналар капитал талаблилиги ва мавсумий юкланганлигини ҳисобга олувчи шароитдан келиб чиқадиган талабларни назарда тутиш;

аэропортлар, темир йўл вокзаллари, меҳмонхоналар ва бошқа туризм объектларида халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган банкомат ва терминаллар миқдорини тубдан кўпайтириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига тўловларни чет эл валютасида қабул қилиш, жумладан, алоқасиз электрон тўловларни жорий қилиш бўйича қўшимча қулайликлар яратиш;

тадбиркорлик субъектларига чет эл валютасидаги маблағларни ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар, терминаллар ижараси, эркин конвертация қилинадиган валютадаги нақд пулларни инкассация қилиш ва чет эл валютасида операциялар амалга ошириш билан боғлиқ бошқа хизматлар учун йиғимларнинг (комиссия тўловларининг) миқдори максимал даражада мақбул бўлишини таъминлаш тавсия қилинсин.

11. 2022 йил 1 январга қадар:

меҳмонхоналар — бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган малакали хорижлик мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлашдан;

меҳмонхоналарга бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинадиган малакали хорижлик мутахассислар даромадлари — жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Бадиий экспертлар кенгашининг таркиби ва Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

мустақиллик йилларида яратилган юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари 2019 йилдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдорининг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичларига оширилган ҳолда ажратилади;

мустақиллик йилларида яратилган юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Бадиий экспертлар кенгашининг қарорига асосан сотиб олинади;

2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзолари учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида ойлик гонорар тўлаш тизими жорий қилинади ҳамда ушбу гонорарлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади;

Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзолари Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларига белгиланган имтиёзлардан фойдаланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Бадиий ижодкорлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари галереяларини сақлаш харажатлари, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш харажатларини молиялаштириш манбаси этиб Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонди (кейинги ўринларда — Фонд деб юритилади) маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Бунда Бадиий ижодкорлар уюшмасининг ҳудудий бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Фондга ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидия) ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳудудий бўлимларининг ҳудудий галереяларда жойлаштирилишини ҳамда уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

мустақиллик йилларида яратилган юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун зарур маблағларни 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари шакллантирилганда ажратилишини назарда тутсин;

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий аппаратига 2 та шахсан бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспорти сақлаш учун лимит ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1 ой муддатда:

Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳудудида Ўзбекистон Бадиий академияси биносини қуриш ишларини ташкиллаштирсин ва ушбу бинода рассомлар учун тажриба устахонасини ташкил этиш кўзда тутилсин.

10. Ўзбекистон Бадиий академияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2018-2019 ЙИЛЛАРДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни яқин истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши давлатимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган.

Хусусан, қарор билан соҳада меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистонга саёҳатларни арзонлаштириш, юртимизнинг барча ҳудудларида туризмни ва соҳа билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш, туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш ва янги туризм объектлари ташкил этиш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудларида замонавий туризм инфратузилмасини яратиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда Дастурга мувофиқ, Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида дам олиш ҳудудлари, Жиззах вилоятининг Фориш ва Арнасой туманларида Айдар-Арнасой кўллари соҳилида бешта янги замонавий дам олиш ҳудудини ташкил этиш, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида тўрт юлдузли меҳмонхоналар, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Чимён тоғ массивида меҳмонхона мажмуаси барпо этиш, шунингдек, Навоий вилоятида Тўдакўлнинг жанубий соҳилида ички туризм ва Айдаркўл соҳилларида хорижлик туристлар учун пляжлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, қарорда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигида 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига киритилган тадбирларнинг амалга оширилишини мунтазам ўрганиш тизимини жорий қилиш белгиланган. Шу мақсадда:

Дастур ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш, вазирлик ва идораларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, юртимизда туризм соҳаси ривожига тўсқинлик қилаётган масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди;

режалаштирилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида фаолият юритадиган туризмни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил этилди.

Қарорда туризмни ривожлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни бажаришга йўналтирилган қатор топшириқлар белгиланган:

Ўзбекистондаги муқаддас қадамжоларга зиёрат туризми йўналиши бўйича сайёҳларни жалб қилиш, бунда логистика, жумладан, чартер рейсларни ташкил этиш масалаларини ҳал қилиш;

Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги туризм ҳудудлари тажрибаси асосида Урганч, Тошкент шаҳарлари ва Фарғона вилоятида туризм ҳудудлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тоғ кластерларини босқичма-босқич ташкил этиш;

ташкил этилаётган туризм ҳудудлари ва тоғ (тоғолди) туризм кластерларига чет эл сармоядорларини жалб қилиш, шунингдек, янги меҳмонхоналар қуриш учун юртимизга етакчи меҳмонхона брендларини таклиф қилиш ёки мамлакатимиздаги меҳмонхона хўжаликларини улар бошқарувига топшириш.

Шу муносабат билан хорижлик туристлар учун виза тартиботини соддалаштириш ва зиёрат туризмини ташкил этиш бўйича таклифларни мунтазам киритиб бориш кўзда тутилмоқда. Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида хорижлик фуқаролар учун виза ва рўйхатга олиш тартибини босқичма-босқич соддалаштириш бўйича таклифларни ушбу давлатлар билан икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш даражасидан, жаҳон туризм бозорининг конъюнктураси ҳамда халқаро ва минтақавий вазиятдан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш билан шуғулланувчи доимий фаолият юритадиган ишчи гуруҳ тузилмоқда.

Шу билан бирга, туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қатор хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли келишув ва шартномалар тузишни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири, унинг туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратишга қаратилганидир. Шу мақсадда:

— тадбиркорлик субъектларига янги меҳмонхоналар ва туризм инфратузилмасининг бошқа иншоотларини қуриш, мавжудларини модернизация қилиш учун узоқ муддатли (15 йилгача) кредитлар ажратиш амалиёти жорий қилинмоқда, бунда кредит ва фоизларни қоплаш учун меҳмонхоналарнинг молиявий тушуми ва мавсумий шароитидан келиб чиқадиган талаблар тақдим қилинмоқда;

— тадбиркорлик субъектларига чет эл валютасидаги маблағларни ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар, терминаллар ижараси, эркин конвертация қилинадиган валютадаги нақд пулларни инкассация қилиш ва чет эл валютасида операциялар амалга ошириш билан боғлиқ бошқа хизматлар учун йиғимларнинг (комиссия тўловларининг) мақбул миқдорлари белгиланмоқда;

— 2022 йил 1 январга қадар меҳмонхоналар бошқарув ходими сифатида жалб қилинган малакали хорижлик мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлашдан, шунингдек, меҳмонхоналарга бошқарув ходими сифатида жалб қилинадиган малакали хорижлик мутахассисларнинг даромадлари жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод этилмоқда.

Ушбу қарор мамлакатимиз туризм соҳасининг янада ривожланишига янги суръат бахш этиб, унда белгиланган чора-тадбирлар ижросига хорижлик туристлар оқими ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти субъектлари сонининг кўпайишига хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бадиий ижодининг бошқа турлари қатори тасвирий санъат соҳаси ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январда имзоланган "Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартда қабул қилинган шу йўналишдаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур тарихий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар асосида Бадиий академия томонидан ўтган йигирма йил мобайнида тасвирий санъат соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, рассомлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий манфаатларини рўёбга чиқариш, ёш рассомларни тарбиялаш борасида кўп ишлар қилинди.

Бу ҳақда сўз борганда, Бадиий академия таркибида тасвирий санъат соҳаси бўйича миллий таълимнинг кўп босқичли тизими шакллантирилгани, "San'at" журнали ташкил этилиб, у 1998 йилдан буён уч тилда — ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилаётгани, бой бадиий меросимиз ва замонавий тасвирий санъатимизнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларнинг моддий, илмий-услубий базаси мустаҳкамланганини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиш бўйича ўзига хос тизим шаклланган, мамлакатимизнинг кўплаб рассомлари халқаро анжуман ва кўргазмалар, фестиваль ва танловларда қатнашиб, нуфузли ўринларни қўлга киритаётгани, ўнлаб ижодкорлар давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани ҳам Бадиий академия фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Айни вақтда ҳозирги жадал суръатлар билан ривожланаётган даврнинг ўзи тасвирий санъат соҳасини янада тараққий эттириш, унинг бугунги кундаги ўрни ва мавқеини ошириш, Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини такомиллаштиришни талаб этаётганини эътироф этиш лозим.

Айниқса, тасвирий санъат ижодкорларининг имконият ва салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариш, рангтасвир ва амалий санъат асарларининг юксак сифатини таъминлаш борасида кейинги пайтларда долзарб муаммолар тўпланиб қолгани, жумладан, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, мавжуд моддий-техника базасининг ночорлиги, малакали кадрлар етишмаслиги, халқаро ижодий ва илмий алоқаларни ривожлантириш ҳамда ижодкорларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва истеъдодли ёшларнинг ижодий имкониятларини кенгайтиришда юзага келаётган сусткашликлар мазкур соҳага давлатимиз томонидан эътиборни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Маълумки, 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида маданият, адабиёт ва санъат соҳасини, жумладан, тасвирий санъат йўналишини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб, уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берди. Ўтган қисқа муддатда ана шу таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан 10 га яқин Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Кеча имзоланган "Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор шу йўналишдаги яна бир муҳим ҳужжат бўлди.

Қарорда халқимизни тасвирий санъат намуналаридан баҳраманд этиш ва дизайн йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, санъат асарларида миллий ва умуминсоний анъаналарни юксак даражада ифода этишга эришиш, юртимизда ўтказилаётган кўргазмаларнинг бадиий савиясини ошириш, рассомлик ва дизайн соҳасига ихтисослаштирилган таълим тизимини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгиланди. Шунингдек, жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлган ўзбек тасвирий ва амалий санъати мактабларининг анъаналарини сақлаш ва давом эттириш, замонавий дизайн йўналишлари бўйича фаолият юритаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон Бадиий академиясининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг янгиланган ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, мазкур қарор асосида Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ва мазкур дастурни амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқланди.

Қарорда мамлакатимиз маданий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалаларга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш мақсадида жаҳондаги етакчи бадиий академиялар, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари, ташкилотлар, маданият ва санъат усталари ўртасида ўзаро фойдали тажрибалар алмашишни йўлга қўйиш мақсадида ҳар томонлама ижодий алоқаларни ривожлантириш белгиланган.

Ушбу қарорда Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, халқимизнинг бой маданий меросини, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн анъаналарини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий ижодкорлар уюшмаси фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Яна шуниси муҳимки, қарорда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишидаги ижодкорларни рағбатлантириш, шунингдек, болалар санъатини ривожлантириш, Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидаги таълим муассасалари фаолиятида ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ва ўрта махсус таълим муассасалари учун бошланғич бадиий таълимни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шунингдек, қарорда тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандлиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидаги таълим муассасаларининг фаолиятини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, халқаро ижодий ва илмий алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда ва хорижда кенг кўламда кўргазмалар ўтказиш орқали миллий санъатимиз ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, конференция, биеннале ва бошқа анжуманлар ўтказишга алоҳида урғу берилган.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 35-уйда жойлашган Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳудудида Ўзбекистон Бадиий академияси биносини қуриш ишларини ташкил этиш ҳам қарорда кўзда тутилган.

Айни вақтда Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Фанлар академиясининг мамлакатимиз музейлари фондларини мустақиллик йилларида яратилган юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб бориш ва асарлар қийматини ижодий ва моддий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда белгилаш қайд этилган.

Шу билан бирга, қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошида Бадиий экспертлар кенгашини ташкил этиш, мустақиллик йилларида яратилган юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Бадиий экспертлар кенгашининг қарорига асосан сотиб олиниши таъкидланган.

Шунингдек, 2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзолари учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида ойлик гонорар тўлаш тизими жорий этилади ва ушбу гонорар маблағлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади.

Мухтасар айтганда, мазкур қарор Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини тубдан такомиллаштириш, унинг иш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ижодкорларни ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантириш, истеъдодли ёшларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, рассомлик ва дизайн санъати соҳасида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, халқимизнинг тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги бадиий меросини асраш ва кейинги авлодларга етказиш, юртдошларимизнинг тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги эстетик эҳтиёж ва талабларини қаноатлантиришда бу ҳужжат кенг имкониятлар яратиб беради.

ЁШ ОИЛАЛАР ВА ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Бугун дунё таҳликага, бешафқат зиддият ва қарама-қаршиликларга тўла. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, ғайриинсоний ва ғайриахлоқий тутумларни тарғиб қилаётган "оммавий маданият" каби хатарлар, асосан, ёшларни ўз гирдобига тортаётганидан кўз юмиш қийин. Демоқчимизки, мана шундай қалтис вазиятда ёш авлод тарбияси, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ҳақиқатан ҳам, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида юртимизда уюшмаган, яъни ишламайдиган, ўқимайдиган, тайинли бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчан ёшлар сони ортиб бораётганига урғу берди.

Очиғи, ушбу нутқдаги танқидий таҳлил ва мулоҳазалар давлат органларини, жамоатчилик вакилларини суст, мудроқ кайфиятдан тамомила қутулиб, ёшлар тақдирига, муаммоларига жиддийроқ қарашга, уларга бегона муносабатда бўлмасликка яна бир бор туртки берди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказган "Ёш оилалар ва қизлар" I республика форуми ҳам мақсад-муддаосига кўра, навқирон авлод вакиллари ҳаётида ғоятда муҳим аҳамият касб этади, десак, янглишмаймиз. Қарийб бир ҳафта давом этган мазкур форум мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олди ва ноодатий, яъни янгича ёндашувдаги ранг-баранг тадбирларга бой бўлди.

— Президентимизнинг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида уюшмаган ёшларнинг, айниқса, қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, онги ва қалбини мафкуравий таҳдидлардан, ахборот хуружларидан асраш, қизиқиш ва интилишларини тўғри йўналтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш мақсади кўзланган форум кутилган натижани берди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Нарбаева. — 3 мингга яқин ёш оилаларни, уюшмаган қизларни қамраб олган бу ижтимоий-маърифий ҳафталик "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Жумладан, форумнинг дастлабки кунларида Сингапур менежментни ривожлантириш институти биносида ташкил этилган "Мен ҳам етакчи бўламан!" мавзуидаги учрашувда сенаторлар, депутатлар, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган раҳбар аёллар қизлар билан очиқ мулоқот олиб борди. Мантиқан бир-бирини тўлдирган ва бойитган бу сингари тадбирлар уюшмаган қизларни, қолаверса, ёш оилаларни ўйлантираётган масалалар билан яқиндан танишиш, орзу-истаклари билан ўртоқлашиш имконини берди. Форум якунида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган "Ёш оилалар ва қизлар билан ишлаш бўйича стратегияси" тақдимоти, шунингдек, "Қизларжон" клубининг очилиш маросими ўтказилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Дарҳақиқат, "Ёш оилалар ва қизлар" биринчи республика форуми тадбирлари юртимиз ҳудудларида юксак амалий руҳда ўтди. Хусусан, оилаларда китобга меҳр уйғотиш, фарзандлар тарбиясида китоб ва мутолаанинг ўрнини кучайтириш мақсадида "Фан-таълим — келажак пойдевори" шиори остида ташкил қилинган давра суҳбатлари ва "Оилам китоб ўқийди" акцияси пойтахтимиз ва вилоятларда ўзига хос китобхонлик байрамига айланди.

Форумнинг яна бир тадбири — "Ким нимага қодир?" мавзуидаги маҳорат дарслари эса ёш қизларга, оила бекаларига тадбиркорлик, ҳунармандчилик соҳаларида билим ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилди. Маҳорат дарсларини моҳир чеварлар, кулоллар, гиламдўзлар, каштачилар ва бошқа ўз касбининг усталари олиб борди.

— Икки йил муқаддам касб-ҳунар коллежини битирганман, — дейди Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидан Зуҳра Давронова. — Ҳозирги кунда ишсизман. Форумга таклиф этишганида биз билан ҳам қизиқадиганлар бор экан, дея хурсанд бўлдим. Форум тадбирларида, маҳорат дарсларида қатнашиб, сафдошларим кўплигини кўрдим. Эндиликда пазандаликдан сабоқ олиб, шу йўналишда хизмат кўрсатиш шохобчасини очишни, ўз бизнесимни йўлга қўйишни ният қилаяпман.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти кенгаши бўлим бошлиғи Матлуба Саҳиеванинг айтишича, илк бор ўтган "Ёш оилалар ва қизлар" форуми ушбу воҳа ёшларида ҳам унутилмас таассурот қолдирди. Шу билан бирга, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари олдида ҳали қатор долзарб вазифалар тургани ойдинлашди.

— Форум давомида ўнлаб ёш оилалар вакилларининг, уюшмаган қизларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглай туриб, чекка ҳудудларда яшовчи ёшлар ҳаётига янада чуқурроқ кириб боришимиз, уларни қийнаётган ижтимоий-маиший, иқтисодий муаммолар ечимини тезроқ топишимиз кераклигини англадик, — дейди М. Саҳиева. — Шунингдек, очиқ мулоқотларда халқимизнинг асл қадриятларини, оилавий анъаналарини ёшларимизга, биринчи галда оила остонасида турган қизларга муфассал таништириш, тўй-ҳашамларни дабдабадан, исрофгарчиликдан холи қилиб ўтказиш учун ёшларнинг ташаббуси зарур экани айтилиб, бунинг аҳамияти атрофлича тушунтирилди.

— Одатда, ёшлар иштирокидаги тадбирларга кўпинча ҳар жиҳатдан фаол, иқтидорли қизларни жалб қилишга ўрганиб қолган эканмиз, — дейди "Оила" илмий-амалий маркази Бухоро вилояти бўлими раҳбари Г. Тоирова. — Аммо бугун ёшларимиз орасида эрта никоҳ, эрта туғуруқ, ажралишлар, жиноятчилик каби салбий ҳолатлар учраётгани улар билан ишлашда қотиб қолган усуллардан воз кечиб, креатив йўналиш ва ғоялар асосида янгича, самарали ёндашув талаб қилинаётганини кўрсатади. "Ёш оилалар ва қизлар" республика форуми ана шундай ёндашувга асослангани билан эътиборлидир. Бугун уюшмаган ёшлар билан ишламасак, "Ўз болангни ўзинг асра!" даъватини ҳаётимизнинг дастуриламалига айлантирмасак, эртага кеч бўлиши мумкинлиги, ўғил-қизларимизнинг ўқишдан, ишдан, жамиятдан, давлатдан, ҳаётдан кўнгли совимаслиги, аксинча, ёшлик шиддати, шижоати билан, юрт келажагига, тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаши учун ҳар томонлама кўмаклашмоғимиз кераклигини ҳис қилдик.

Шубҳасиз, "Ёш оилалар ва қизлар" I республика форумининг ўтказилиши мана шу йўлда қўйилган дадил қадам бўлди.

Фарида МАҲКАМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАР СОНИ КЎПАЯДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида йил якунигача 557 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулотлар тайёрлаш ва саноатда ўтган йилдагига нисбатан 13,5 фоизлик ўсишга эришиш кутилмоқда. Айни шу мақсадда жорий йилнинг ўтган етти ойида 129 та лойиҳа амалга оширилиб, катта ҳажмдаги инвестициялар ўзлаштирилди.

Шовот туманининг Ижтимоият қишлоғида янгидан иш бошлаган "Хоразм шиша идишлари" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси ана шундай истиқболли лойиҳалардан биридир. Бу ерга йўналтирилган 45 миллиард сўмлик сармоя эвазига Хитой, Россия, Италия, Германия давлатларидан энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Натижада сифатли шиша идишлар тайёрлашга ихтисослаштирилган ушбу тадбиркорлик субъекти жамоаси ички ҳамда ташқи бозорда рақобатга кириша оладиган харидоргир янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Йилига 40 миллион донадан ортиқ шиша идишлар тайёрлаш қувватига эга бундай корхонанинг фаолият бошлаши эса мева-сабзавотларни қайта ишлаш лойиҳалари кенг йўлга қўйилаётган ҳудудлар учун айни муддао бўлди.

"Хоразм шиша идишлари"да маҳсулот тежамкор технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётгани боис унинг таннархи анча арзон, қолаверса, сифати ҳам аъло даражада. Эътиборлиси шундаки, уни тайёрлашда, асосан, маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаяпти. Айни пайтда бу ерда ишлаётган 200 нафар ишчи-ходимнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Тадбиркорлик субъекти яқин кунларда экспортчи корхоналар сафига қўшилади. Кейинги йилда эса бу ерда умумий қиймати 640 минг АҚШ долларига тенг бўлган 8 миллион дона турли маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш мўлжалланмоқда.

— Замонавий технологиялар энергия сарфини камайтириш ҳамда юқори унумдорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди корхона раҳбари Ҳикматилло Қодиров. — Бизнинг илғор дастгоҳларимиз мазкур талабларга тўла жавоб беради.

Вилоятнинг саноат ва экспорт салоҳиятини юксалтирадиган бу каби дастур ҳамда лойиҳалар янги иш ўринлари яратиш, юртдошларимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, экспортчи корхоналарнинг сони йилдан-йилга кўпайиши мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштиради, дунёдаги мавқеимизни янада мустаҳкамлайди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Бу галги ҳашар аввалгиларидан фарқ қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, жойларда кўплаб замонавий маҳаллалар гузарлари, қулай ва шинам болалар майдончалари, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилаяпти. Умумхалқ хайрия ҳашари кунларида эса бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада кенг қулоч ёзади.

— Халқимизда тўй-тантаналар обод ва покиза, одамлари аҳил ва ҳамжиҳат юртга ярашади, деган гап бор, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Шу маънода, умумхалқ хайрия ҳашари эълон қилингани айни муддао бўлди. Зеро, унда миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва саховат муҳити янада кучайтирилади, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва мурувват каби эзгу фазилатлар амалда намойиш этилиб, маҳаллалар ҳудудлари, аҳоли тураржойлари ободонлаштирилади, санитария ҳолати яхшиланади. Буларнинг барчаси пировардида энг улуғ байрамимизни юқори даражада кутиб олишимиз учун замин яратади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ахборот хизмати маълумотига кўра, бу галги ҳашар "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни кенг қамраб олгани ва хайр-саховат ишларининг янада кўпроқ режалаштирилаётгани билан аввалгиларидан фарқ қилади. Унда фаол иштирок этиш орқали шу азиз ва муқаддас Ватанга бўлган чексиз муҳаббатимизни амалда исботлайлик!

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САЙИЛ

"Қовундан бир татиб кетинг". Бу — бободеҳқонларимизнинг пишиқчилик мавсумидаги илтифоти. Олижаноб халқимизнинг ўзига хос меҳмоннавозлик анъанаси.

Гулистон шаҳрида "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида бўлиб ўтган қовун сайли иштирокчиларига ҳам ана шундай илтифот кўрсатилди.

НОЁБ ВА САРА НАВЛАР

Мирзачўл қовунлари довруғини дунёга ёймоқда

Тадбир аввалида "Сирдарё қовунчилиги: кеча, бугун, эртага" мавзуида илмий конференция ўтказилди. Унда полизчиликни илмий асосда ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, уруғчилик ва тармоқнинг бошқа кўплаб масалалари ҳақида сўз борди. Шу билан бирга, қовунчиликнинг узоқ тарихи ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилди.

Бугун мамлакатимизда қовуннинг 160 га яқин навлари мавжуд. Шундан 45 таси давлат реестрига киритилган. Эътиборлиси, Ўзбекистон қовунлари дунёнинг бошқа ҳудудларида парваришланадиган турдошларига нисбатан қатор афзалликларга эга. Хусусан, бетакрор таъми ва шифобахшлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ранг-баранглиги, хилма-хил шакли билан фарқланади. Ҳатто нав номлари ҳам ўзига хос: "Босволди", "Амири", "Обиноввот", "Бўрикалла", "Заргулоби", "Гурвак", "Жўрақанд"...

Мирзачўл воҳаси деҳқонларининг ҳам бу борада ўз "бренди" бор. Бу айни кунда нафақат юртимиз, балки океанорти, Европа мамлакатлари ва дунёнинг бошқа минтақаларида тобора машҳур бўлиб бораётган, халқ ичида "Метровка", "Торпедо", "Жиян уруғ" деган ном билан танилган "Мирзачўл оқ уруғи"дир. Мирзаободлик бир гуруҳ қовунчилар хорижлик тадбиркорлар таклифи билан унинг агротехникасини ўргатиш бўйича АҚШнинг Калифорния штатида, Доминикан Республикасида ҳамда Грузияда бўлишди. "Аммо хорижда етиштирилган қовуннинг мазаси ўзимизникидек бўлмади", дейди Мирзаобод туманилик деҳқонлар.



Бинобарин, мазкур нав Сирдарё ва Жиззах вилоятларида кенг тарқалган бўлиб, экспортбоп ҳисобланади. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, жорий йилда Сирдарё вилояти бўйича "Оқ уруғ"нинг экспорт ҳажми 1000 тоннадан ошиши кутилаяпти. Унга Европа мамлакатларида ҳам талаб ортиб бормоқда. Шу маънода, ушбу қовун тури сайилнинг энг олди нави сифатида баҳоланганлиги бежиз эмас.

Тадбирда вилоят туманлари фермерлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Кенг майдонда ўтказилган кўргазмада қатнашчилар ўнлаб турдаги қовун ва тарвузлардан татиб кўриш имкониятига эга бўлдилар. Қайта ишловчилар эса мазкур неъматлардан тайёрланган мураббо, шинни, шарбат каби 25 турдаги ширинлик ва қиёмларни таклиф қилишди. Мирзаободлик Доно Абдуллаева қовундан ҳатто ёғ олиш мумкинлигини кўпчиликнинг эътиборига ҳавола қилди.

— Қовун сайлида илк бор иштирок этишим, — дейди хитойлик Чен Жонг Бэи. — Рости, халқингизнинг она-замин неъматларига бўлган бундай юксак меҳр-муҳаббатидан беҳад ҳайратландим. Энг асосийси, қовунлардан татиб кўриб, заминингизнинг нақадар саховатли, юртдошларингизнинг моҳир деҳқон эканлигига амин бўлдим.

Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик шодиёнаси арафасида ташкил этилган сайил байрамона руҳда ўтди.

— Мазкур сайилда халқимизнинг шукроналик туйғуси намоён бўлди, — дейди Оқолтин туманилик меҳнат фахрийси Норбой Жайнақов. — Қолаверса, ушбу тантана фаровонлик намунаси ҳамдир. Туманимизда полизларни кенгайтириш ва қовун-тарвузни такрорий экин сифатида ўстиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, соҳа ривожини таъминлаш қаторида, одамлар даромадини ошириш ҳамда ердан унумли фойдаланишда муҳим асос бўлаётир.

Тадбир доирасида кўрик-танлов натижалари ҳам эълон қилинди. Ҳайъат хулосасига кўра, Мирзаобод тумани қатнашчилари энг юқори ўринни эгаллади. Шунингдек, "Энг ширин қовун", "Энг экспортбоп қовун" каби бир неча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Сайил Гулистон шаҳар истироҳат боғида ўтказилган концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Мирзаев иштирок этди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти

2017 йил учун таянч докторантура ва докторантурада ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.

* Таянч докторантурага 3 та квота.
* Докторантурага 3 та квота.

Талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддатлари, талаб қилинадиган ҳужжатлар ва топшириладиган имтиҳонлар рўйхати қуйидагилардан иборат:

1. Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

2. Таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:
— магистр даражасига ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот тўғрисидаги дипломга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;
— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

3. Таянч докторантурага ўқишга талабгорлар олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки клиник ординатурани тугатганлиги (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

4. Докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:
— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;
— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

5. Докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

6. Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар. Талабгорларда IELTS (ўртача балли камида 5,5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатларига эга бўлганда, чет тилидан топириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

7. Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат 2017 йил 1 — 25 ноябрь кунлари ўтказилади.

Танлов муддати эълон чоп этилган санадан бошлаб — 15 кун.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-«А» уй.

1098A/346

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ушбу қўмита аъзоси, сенатор Камила Анваровна Навлановага онаси **Каримахон ТУРСУНҚУЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 848 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.15 Топширилди — 02.10 1 3 4 5 6